

## ТОВАР (МАХСУЛОТ) ЕТКАЗИБ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Фарғона шахри

«16» апрел 2022 йил

Амалдаги Низом асосида иш кўрувчи, кейинчалик "Буюртмачи" деб юритилувчи Фарғона вилоят ҳокимлиги "Капитал қурилиш соҳасида буюртмачи хизмати" номидан Низом асосида иш юритувчи раҳбари Х.А.Долимов бир томондан ва амалдаги Низом асосида иш кўрувчи, кейинчалик "Етказиб берувчи" деб юритилувчи "System Trade Group" хусусий корхонаси номидан жамият раҳбари Ю.Хасанов иккинчи томондан мазкур шартномани қуйидагилар тўғрисида туздилар:

## I. ШАРТНОМА МАВЗУСИ

1.1. "Етказиб берувчи" мазкур шартнома шартларига асосан "Фарғона вилоятидаги 42 та умумтаълим мактабларини компьютер синф хоналарини замонавий техникалар ва бошқа техник воситалар билан таъминлаш" мажбуриятини олади, "Буюртмачи" эса "Етказиб берувчи"га махсулотларни қабул қилиш ва вилоят Молия бошқармаси томонидан объектнинг вилоят Ҳазначилик бошқармасидаги махсус ҳисоб рақамига маблағ ажратилганидан сўнг тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

1.2. "Етказиб берувчи" "Буюртмачи"га маиший воситаларни етказиб беради (кейинги ўринларда—"товар (махсулот)" деб юритилади), "Буюртмачи" эса уларни қабул қилиш ва қийматини тўлаш мажбуриятини ўз зиммасига олади. "Товар (махсулот)"ни тўлиқ етказиб бериш "Етказиб берувчи"га аванс маблағлари тўлаб берилгандан сўнг 30 кун мобайнида амалга оширилади.

"Товар (махсулот)"нинг аниқ турлари, уларнинг сони, нархи мазкур шартноманинг таркибий қисми ҳисобланган иловада келтирилади.

## II. "ТОВАР (МАХСУЛОТ)" НИНГ СИФАТИ.

2.1 Етказиб бериладиган "товар (махсулот)"нинг сифати Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчиликка асосан етказиб бериладиган товар ва моддий-қийматликлар учун белгиланган ГОСТ ва бошқа меъёрларга мувофиқ бўлиши ҳамда сифат сертификати ёки таҳлил (текшириш) баёни билан тасдиқланиши шарт.

2.2. «Буюртмачи» га "Товар (махсулот)" билан бирга унинг мувофиқлик сертификатини тақдим этиши шарт.

## III. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. «Буюртмачи»нинг ҳуқуқлари:

"Етказиб берувчи"дан шартномани бажариш учун зарур бўлган амалдаги давлат стандартлари ва бошқа норматив ҳужжатлар билан таъминлашни талаб қилиш;

"Товар (махсулот)" «Буюртмачи» ҳисобига транспортда ташилганда "Етказиб берувчи" дан транспорт харажатларини қоплашни талаб қилиш;

"Етказиб берувчи" дан мазкур шартномага мувофиқ бериладиган буюртманомага мувофиқ тегишли сифат, ассортиментдаги "Товар (махсулот)" етказиб берилишини талаб қилиш;

Зарур сифатга эга бўлмаган "Товар (махсулот)" етказиб берилмаган тақдирда ўз танлашига кўра:

-зарур сифатга эга бўлмаган "Товар (махсулот)" шунга ўхшаш "Товар (махсулот)" билан алмаштирилишини;

-камчиликлар бепул бартараф этилишини ёки камчиликлар «Буюртмачи» ёхуд учинчи шахслар томонидан тўғриланиши харажатларини қоплашни;

-бахосини мутаносиб тарзда камайтирилишини талаб қилиш;

Мазкур шартнома шартлари бажарилмаганлиги ёки зарур даражада бажарилмаганлиги натижасида етказилган зарар қоплашини "Етказиб берувчи"дан талаб қилиш.

3.2. «Буюртмачи» нинг мажбуриятлари:

Ўз буюртманомаси бўйича етказиб берилган "Товар (махсулот)"ни мазкур шартномага мувофиқ қабул қилиш;

## IV. ШАРТНОМАНИНГ БАҲОСИ ВА ҲИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ

4.1. Мазкур шартнома бўйича "Етказиб берувчи" томонидан "Фарғона вилоятидаги 42 та умумтаълим мактабларини компьютер синф хоналарини замонавий техникалари ва бошқа техник воситалар билан таъминлаш" ишлари бўйича ўтказилган танловнинг лот-№63 000, 2022 йил 23 апрель кунги баёни билан тасдиқланган ишлар қиймати кўшимча қиймат солиғи ва 12 % ЯИТни ўз ичига олган ҳолда жорий нархларда 4 095 000 000 (тўрт миллиард тўқсон беш миллион) сўмни ташкил этади. Етказиб бериладиган "Товар (махсулот)"нинг баҳоси мазкур шартнома иловасида кўрсатилган.

4.2. Махсулотни транспортда ташиш ва тушириш бўйича барча харажатларни "Етказиб берувчи" кўтаради.

Махсулот «Буюртмачи»нинг транспорти билан етказиб берилган тақдирда "Етказиб берувчи" транспортда ташиш харажатларини унга қоплайди (идишни ҳам ўз ичига олган ҳолда амалдаги масса бўйича).

4.3. «Буюртмачи» етказиб бериладиган "Товар (махсулот)" турқуми суммасининг 15 фоизи яъни 614 250 000 (олти юз ўн тўрт миллион икки юз эллик минг) сўм миқдоридан олдиндан ҳақ тўлайди. Етказиб берилган "Товар (махсулот)" учун қабул қилиш-топшириш далолатномаси имзолангандан сўнг қонунда белгиланган муддатда ичида инвестор томонидан таъминланган маблағ ҳисобидан қолган 85 фоизини узил-кесил ҳисоб-китоб қилади.

4.4. Етказиб берилган "Товар (махсулот)" учун пул ўтказиш йўли билан ҳисоб-китоб қилинади.

## V. ШАРТНОМАНИНГ БАЖАРИЛИШИ

5.1. Шартнома мазкур шартнома ва конун ҳужжатлари шартлари ва талабларига мувофиқ зарур тарзда бажарилиши керак.

Агар томонлар ўз зиммаларига қабул қилинган барча мажбуриятлар бажарилишини таъминласа, шартнома бажарилган деб ҳисобланади.

5.2. Шартнома бажарилишини бир томонлама рад этишга ёки шартнома шартларини бир томонлама ўзгартиришга йўл қўйилмайди, конун ҳужжатларда белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

5.3. "Товар (маҳсулот)" қабул қилиш-топшириш далолатномалари тузилган сана шартномалар бўйича мажбуриятлар бажарилган сана ҳисобланади. Ҳисоб-китоб ҳужжатида банк муассасаси штампида кўрсатилган сан "Товар (маҳсулот)" га ҳақ тўлаш бўйича «Буюртмачи» мажбуриятлари бажарилган сана ҳисобланади.

5.4. «Буюртмачи» нинг розилиги билан "Товар (маҳсулот)" муддатидан олдин етказиб берилиши мумкин. Етказиб берилган ва «Буюртмачи» томонидан қабул қилинган "Товар (маҳсулот)" учун кейинги даврларда етказиб берилиши керак бўлган "Товар (маҳсулот)" ҳисобига ҳақ тўланади ва улар ҳисобига ўтказилади.

5.5. «Буюртмачи» муддатлар бузилган ҳолда етказиб берилган "Товар (маҳсулот)" ни қабул қилишни рад этишга ҳақидир.

5.6. Назарда тутилган миқдордан ортиқча бир номда "Товар (маҳсулот)" етказиб берилиши ушбу ассортиментга кирувчи бошқа номдаги етказиб берилмаган "Товар (маҳсулот)" ўрнини тўлдириш сифатида қаралмайди ва етказиб берилмаган "Товар (маҳсулот)" нинг ўрни тўлдирилиши керак, бундай "Товар (маҳсулот)" етказиб бериш "Бюджет ташкилоти" нинг олдиндан берилган ёзма розилиги ёки талабномаси бўйича амалга оширилган ҳоллар бундан мустасно.

5.7. Етказиб берилган "Товар (маҳсулот)" бевосита «Буюртмачи» нинг масъул ходими томонидан далолатнома бўйича қабул қилинади. Далолатномада етказиб берилган "Товар (маҳсулот)" миқдори, уларнинг сифати кўрсатилади.

## VI. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1. Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор томон:

иккинчи томонга етказилган зарарларни қоплайди;

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида» ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида, бошқа конун ҳужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошқача жавобгарликка тортилади.

6.2. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 350-моддаси 1-қисмига кўра, буюртмачининг мажбуриятлари қуйидаги ҳолларда бекор бўлади, агар давлат органининг ҳужжати чиқиши натижасида мажбуриятни бажариш тўлиқ ёки қисман мумкин бўлмай қолса, мажбурият тўлиқ ёки унинг тегишли қисми бекор бўлади.

"Буюртмачи" бюджетдан маблағ олувчи ташкилот бўлганлиги учун бюджетдан маблағ ажратилиши кечикканлиги сабабли тўловни амалга ошира олмаганлиги учун "Етказиб берувчи" олдида мулкий жавобгар бўлмайди ва пенялар ҳам ҳисобланмайди.

6.3. Товарларни етказиб бериш муддатлари кечиктириб юборилган, тўлиқ етказиб берилмаган, ишлар бажарилмаган ёки хизматлар кўрсатилмаган ҳолларда, товар етказиб берувчи «Буюртмачи» га кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди. Бироқ, бунда пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган товарлар, бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар баҳосининг 50 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим, Пеняни тўлаш шартнома мажбуриятларини бузган тарафни товарларини етказиб бериш муддатларини кечиктириб юбориш, тўлиқ етказиб бермаслик, ишларни бажармаслик ёки хизматларни кўрсатмаслик оқибатида етказилган зарарни қоплашдан озод этмайди.

Пеня тўлаш "Етказиб берувчи" ни маҳсулот етказиб беришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган зарарларни қоплашдан озод қилмайди.

6.4. Агар етказиб берилган сифати белгиланган стандартларга, иш ҳужжатларига мувофиқ бўлмаса, у ҳолда «Буюртмачи» маҳсулотни қабул қилиш ва унинг учун ҳақ тўлашдан бош тортиши, шунингдек "Етказиб берувчи" дан сифати зарур даражада бўлмаган маҳсулот қийматининг 20 фоизи миқдорида жарима ундириш ҳуқуқига эга.

6.5. Етказиб берилган товарлар учун бюджетдан маблағ ажратилгандан сўнг, "Буюртмачи" ўз вақтида тўловни амалга оширмаганлиги учун "Етказиб берувчи" га ўтказиб юборилган ҳар бир кунга кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорида пеня тўлайди.

## VII. ЕНГИБ БУЛМАЙДИГАН КУЧ (ФОРЗ-МАЖОР) ХОЛАТЛАРИ

7.1. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.

7.2. Агар енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вақтга чўзилса, у ҳолда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар кўрилишини муҳокама қиладилар.

7.3. Агар томонлар икки ой ичида келиша олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

## VIII. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

8.1. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда шунингдек етказилган зарарларни қоплашда пайдо бўладиган низоли масалаларни томонлар ўзаро ҳал этолмаса, улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Фарғона туманлараро иқтисодий суди томонидан кўриб чиқилади.

### IX. АЛОҲИДА ШАРТЛАР

9.1. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.

9.2. Мазкур шартномага барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзоланган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

9.3. «Буюртмачи» билан «Етказиб берувчи» ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай ахдлашувни томонлар мазкур шартномага қўшимчалар ёки ўзгартиришлар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши керак.

9.4. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги қонун ҳужжатлари нормалари қўлланилади.

9.5. Мазкур шартнома Фарғона вилоят Ҳазначилик бошқармасидан рўйхатдан ўтгандан сўнг киради ҳамда 2022 йил 31 декабргача амалда бўлади. Шартнома 3 (уч) нусxada тузилди. Учала нусха айнан бир хил ва тенг юридик кучга эга.

### X. ТОМОНЛАРНИНГ МАНЗИЛИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ:

#### «Етказиб берувчи»

“System Trade Group” хусусий корхонаси  
Манзил: Тошкент шаҳар Олмазор тумани,  
Сағбон қўчаси, 363 “б”-уй  
х/р: 20208000500636332001  
Банк номи: “Азиялиансбанк” Тошкент  
шаҳар, Олмазор бўлими  
Тел: 90-982-50-05

МФО: 003402 СТИР: 304103667



Ю. Хасанов

#### «Буюртмачи»

Фарғона вилоят ҳокимлиги «Капитал қурилиш соҳасида буюртмачи хизмати»

Манзил: Фарғона ш. Темирийўл к. 37 уй

Тел./факс: 224-52-24

шҒХ: 100021860304017092100075016.

СТИР: 204 816 336

ОКЭД-70220

Фарғона вилояти бўйича Ҳазначилик бошқармаси

ЯҒҲ: 23 402 000 300 100 001 010

Банк номи: Марказий банкнинг Тошкент шаҳар

Бош бошқармаси Ҳисоб-китоб-касса маркази (ҲҚКМ)

МФО: 00014 Ҳазначилик бўлини масининг

СТИР: 201 122 919

Буюртмачи раҳбари



Х.А. Долимов

#### Ҳуқуқий хулоса

Мазкур шартнома Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 12.09.2003-йилдаги 395-сонли қарори ва бошқа меъёрий ҳужжатларга асосланган ҳолда тўғри тузилган. Шартнома бўйича томонлар ўртасидаги мажбуриятларни бажариш муддати, предмети, нархи ва жавобгарлик шартлари келишиб олинган. Шартномани имзолаш мумкин.

Бош юристконсульт \_\_\_\_\_ М.М. Маматқулов

#### Ҳуқуқий хулоса

«Буюртмачи» вилоят ҳокимлиги «Капитал қурилиш соҳасида буюртмачи хизмати» ва «Етказиб берувчи» «System Trade Group» хусусий корхонаси ўртасида тузилган 2022 йил «26» 14 кунги 58-сонли пудрат шартномада «Фарғона вилоятидаги 42 та умумтаълим мактабларини компьютер синф хоналарини замонавий техникалари ва бошқа техник воситалар билан таъминлаш» ишларини бажариш белгиланган. Шартнома Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги қонуни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори ва бошқа меъёрий ҳужжатларга асосланган ҳолда тўғри тузилган. Шартнома бўйича томонлар ўртасидаги мажбуриятларни бажариш муддати, предмети, нархи ва жавобгарлик шартлари келишиб олинган. Шартномани имзолаш мумкин.



«Етказиб берувчи»  
М.у.

СПЕЦИФИКАЦИЯ

№	Товар (махсулот) номи	Ўлчов бирлиги (дона/комп)	Миқдори	Бир бирлигининг нархи (сўм)	Жами сумма
1	Компьютер в комплекте для учителей: Процессор: Intel-Core i7 - 10700, количество ядер 8, количество потоков 16, частота 4.8 GHz, 16MB Материнская плата: ASUS PRIME H510M-K DDR4 2слота Куллер башенный с 5 медными трубками Оперативная память: Kingston DDR4 4GB 2666Mhz Память HDD 1TB Toshiba DT01ACA100 7200 Original Кейс Xtech 450W Комплект клавиатуры мыши наушник и коврик Монитор Mi - 24" Desktop Monitor 1С, IPS, 60Hz, 6мс, FHD (1920x1080), VGA+HDMI, (RMMNT238NF) Программное обеспечение Windows 10, Антивирус Коннекторы - 50шт. Шкаф телекоммуникационный 9U Пилот 3х метровый - 10 штук Короб кабельный – 100 метров Доставка и установка под ключ включительно!!!!	комп.	42	10 000 000	420 000 000
2	Многофункциональное устройство HP LaserJet Pro MFP M428dw Скорость ч/б печати (A4) 38 стр/мин, Объем памяти 512 МБ Wi-Fi, Ethernet (RJ-45), USB, Bluetooth, AirPrint Доставка и установка под ключ включительно!!!!	шт.	42	4 200 000	176 400 000
3	Стабилизатор Weikin 10000VA	шт.	42	2 400 000	100 800 000
4	24-Port 10/100Мб Fast Ethernet коммутатор/металлический корпусе Доставка и установка под ключ включительно!!!!	шт.	42	600 000	25 200 000
	Компьютер в комплекте для учеников: Процессор: Intel-Core i5 - 10400, количество ядер 6, количество потоков 12, частота 4.3 GHz, 12MB Материнская плата: ASUS PRIME H510M-K DDR4 2слота Куллер с 4 медными трубками Оперативная память: Kingston DDR4 4GB 2666Mhz Память HDD 1TB Toshiba DT01ACA100 7200 Original Кейс Xtech 450W Комплект клавиатуры мыши наушник и коврик Монитор Xtech 22" IPS, 60Hz, 6мс, FHD (1920x1080), VGA+HDMI Программное обеспечение Windows 10, Антивирус Доставка и установка под ключ включительно!!!!	комп.	420	8 030 000	3 372 600 000
<b>Жамисуммаси</b>					<b>4 095 000 000</b>

Шартноманинг умумий қиймати: 971054000 (Тўққиз юз етмиш бир миллион эллик тўрт минг) сумми ташкил этади.



«Етказиб берувчи»

Хасанов Юсуф

*(Handwritten signature)*



«Буюртмачи»

Долимов Хакимжон

*(Handwritten signature)*